O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 10 ноябрь, пайшанба • 45 (3626)-сон



# ҲАРАКАТ МАРОМИ – ИШИМИЗ МЕЗОНИ

*Мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида транспорт воситалари кундан-кунга кўпайиб бораяпти. Юртимизда автомашиналар ишлаб чиқарилаётгани бу жараённи янада тезлаштирмоқда. Бу эса давлатимиз иқтисодиётининг юксалаётганидан далолатдир. Шу ўринда кўчаларда турли русумдаги юк ва енгил автомобилларнинг ҳаракатини тартибга солиш, назорат қилиш ҳам осон иш эмаслигини айтиб ўтиш жоиз. Айниқса, пойтахтимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, қоидабузарликларнинг олдини олиш соҳа ходимларидан катта тажриба ва масъулият талаб этади. Ўз касбига содиқ йўл-патруль хизмати ходимлари зиммаларидаги вазифаларни бекаму кўст бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Бу борада Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ 6-отряди ходимларини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Улар пойтахтнинг серқатнов кўчаларида йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлмаслиги, қоидабузарликларнинг олдини олиш учун бор маҳоратларини ишга солишяпти.*

Суратда: отряд ходимларидан бир гуруҳи.

**Абу КЕНЖАЕВ** олган сурат.

## УЛУҒРОҚ ИШ БОРМИ ЭЛНИНГ ТИНЧИДАН

*Ёмонлик – ёмонда,*
*Меҳр – дўстдадир.*
*«Постда» газетаси доим постдадир.*
*Адолатнинг қўли баланд келса гар,*
*Разолат доимо тубан, пастдадир.*

*Бизлар Ватан қурдик – муҳташам, кўркам,*
*Қадду камолингдан айланай, ўлкам.*
*Ҳар қизинг синглимдир,*
*Ҳар боланг – укам,*
*Бари очиқ чеҳра ҳам орастадир.*

*Бизни бу дунёда кўролмаганлар,*
*Бир зум ёмонликсиз юролмаганлар,*
*Умрида бир кўприк қуролмаганлар,*
*Бири – ҳасад қилар,*
*Бири – қасддадир.*

*Токи фарзандларнинг бедор диллари,*
*Эзгулик боғининг эсар еллари.*
*Эй сиз, келажакнинг генераллари,*
*Сизга ким ҳайрату,*
*Ким ҳавасдадир.*

*Сўранг ҳар чўпону ҳар ўтинчидан,*
*Улуғроқ иш борми элнинг тинчидан,*
*Қуёш ҳар тонг берган нур суюнчидан,*
*Қаранг, қандай жавлон хору хасдадир.*

*Бир гул япроғига тушса гар титроқ,*
*Шоирнинг қалби ҳам титрагай шу чоқ.*
*Сўзлари ҳам уйғоқ,*
*Ўзи ҳам уйғоқ,*
*Шоир ҳам бир умр асли постдадир.*

**Сирожиддин САЙЙИД.**

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририяти «ПОСТДА» – «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON»–«ЩИТ» журналларига 2006 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда.**

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи ён дафтаридан, криминал воқеалар, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газета-журналлар саҳифаларида мамлакатимиз ҳамда дунё янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати ва бошқа хабарлар мунтазам бериб борилади. «Сиз кутган учрашув», «Бевосита мулоқот», «Саломатлик», «Спорт», «Ниҳол», «Болалар», «Долзарб мавзу» каби ранг-баранг мавзуларда тайёрланган саҳифалар, кроссворд, сканвордлар сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг.

**ИНДЕКСЛАРИМИЗ:**
«Постда» – 180 (366) «На посту» – 169 (367)
«Qalqon» – 970 (1083) «Щит» – 971 (1084)

ДИҚҚАТ, «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ!»

# ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК

Ҳар йили қиш мавсуми бошланиши олдидан мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказиш анъанага айланган. Мазкур тадбирни ўтказилиши бежиз эмас. Иситиш мавсуми бошланиши билан жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаган ҳолда иситиш тармоқлари ишга тушириб юборилади. Бу эса ёнғин келиб чиқиш хавфини кучайтиради. Шу боис, халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, офатларнинг олдини олиш, жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 ноябрдаги Фармойишига асосан 15 ноябрдан 15 декабргача мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.

Азиз юртдошлар! Ёнғин хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этиш билан бу офатнинг олдини олиш, камайтиришга эришамиз. Муҳим тадбирдан, ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

# МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК ТАДБИР

***Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқларда янги-янги савдо-саноат тармоқлари, маъмурий-маданий бинолар, турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилипти. Ички бозор шаклланиб, миллий бойлик кўпайиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида моддий неъмат яратишни оширишга, маданий турмуш даражасини ўсишига эришиляпти. Уларни асраш, ёнғин офатларидан ҳимоялаш ҳам энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, бу ишга ҳисса қўшиш ҳар бир ташкилот, идора, меҳнат жамоаси ва ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.***



Республика Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг вилоятлар, шаҳар, туманлардаги бўлим ҳамда бўлинмалари ходимлари ана шу бурчни чуқур ҳис этган ҳолда ҳар йили мамлакат моддий бойликларини, аҳоли турар жойларини ўт балосидан асраш ва муҳофаза этиш мақсадида турли тадбирларни ўтказиб келишади. Жумладан, йилда бир маротаба ўтказиладиган ёнғин хавфсизлиги ойлиги фикримизнинг далилидир. Айрим фуқароларда мазкур тадбирга нисбатан совуққонлик билан қараш, эҳтимол, ойлик ўз йўлига, уни менга алоқаси йўқ, деган фикр бўлиши мумкин. Аммо бундай калта ўйлаш салбий оқибатларга олиб келишини ҳам унутмаслик керак.

Ўтган давр мобайнида юз берган ёнғинлар ҳам ана шу бефарқлик ва хато фикрлашнинг оқибати эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Тадбир давомида фуқароларда давлат ва жамоат мулкини ёнғиндан асраш ҳисси ошириладди, офат юз берганда ундан ҳимояланиш, бартараф этиш ва инсон ҳаётини сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳаракатланиш тизими яна бир карра синовдан ўтказилади. Энг муҳими, ёнғинларнинг олдини олиш ва унга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш мазкур ойликни ўтказиш мақсадларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 ноябрь кунидаги Фармойишига асосан жорий йилнинг 15 ноябрдан 15 декабрга қадар республикамизда Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказилиши ҳам ана шу эзгу мақсадлар ижобатини таъминлайди.

Ойлик давомида корхона, ташкилот ва муассасалар, аҳоли турар жойлари ва кўп қаватли уйлардаги хонадонларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширувдан ўтказилади. Фуқаролар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш ва ёнғин ўчириш техникаси ҳамда воситаларининг жанговар ҳолатини намойиш этиш мақсадида маҳаллалар, ўқув юртлари, маданий-маиший муассасалар ва истироҳат боғларида учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказилади. Ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини кучайтириш, фуқаролар онгига сингдириш мақсадида ишчи-хизматчилар ўртасида ёнғинларга сабаб бўлган ашёвий далилларни ва ёнғинларни ўчиришга жалб этиладиган махсус автоуловлар, асбоб-анжомлар ва техник воситалар намойиш этилиб, кўргазмали чиқишлар ташкиллаштирилади.

Бу галги ойлик давомида катта ва салмоқли вазифаларни амалга ошириш кўзланган. Бунда мамлакатимиз фуқаролари, корхона ва ташкилотлар, муассасалар, меҳнат жамоалари фаол иштирок этишлари, республикамиздаги барча иншоотларда, шунингдек, маҳаллаларда, турар жойларда ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғинларга сабаб бўлувчи ҳолатларга қарши курашишда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари зарур. Ана шунда жойларда ёнғин офатининг камайишига эришамиз.

**Асат ИСЛОМОВ,**
*Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник.*

***Сирдарё — мамлакатимизнинг энг кичик ва мўъжаз вилоятларидан бири ҳисобланади. Ушбу гўша табиати ўзгачалиги, одамларининг меҳнатсеварлиги-ю ҳақиқий чўлқуварликлари билан донг таратган. Шу билан бирга, тилими тилни ёргучи қовунлари-ю дарё балиқларининг мазасини бир марта бўлса-да тотиб кўрмаган киши топилмаса керак. Сирдарёнинг нон-тузини еб, катта бўлган бир кимсанинг кўнгли балиқ гўштини тусаб қолибди. Бозорни айланиб, янги тутилган балиқлардан бирини сотиб олибди. Уйида ёғда қовурилган балиқни тановвул қилаётганда бирдан томоғига қилтаноқ тиқилибди. Шунда кўзлари ола-кула бўлиб, қилтаноқни томоғидан зўрға чиқариб ташлабди. «Ўзим ҳам айтгандим-а, бу балиқ бошқача экан, деб. Аниқ биламанки, бу ички ишлар ходимларининг иши. Улар бозорга тушишимни пойлаб юришган ва махсус тайёрланган балиқларни менга сотишган. Бахтим бор экан, улар ниятига ета олишмади»,— дея ўзича қувонган бўлибди...***

# КЎР БЎЛСАНГ ҲАМ, КЎРНАМАК БЎЛМА!

Муҳтарам муштарий, бу билан нима демоқчилигимизни англамаётган бўлсангиз керак. Бошига қандай кўргулик тушса, у тасодифми ёки бахтсиз ҳодисами — сабабини сўраб-суриштирмай кимдандир, аниқроғи, ички ишлар ходимларидан кўришни одат тусига айлантириб олган айрим кимсалар ҳақида айтмоқчимиз, холос. Ҳаёт бор экан, дили пок инсонлар билан бир қаторда ичиқора кимсаларнинг ҳам бўлиши табиий. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеанинг «қаҳрамони» Аъзам Фармонов ҳам томоғига қилтаноқ тиқилса, буни бировлардан кўрадиган кимсалар тоифасидан экан.

Хўш, қаҳрамонимиз Аъзам Фармонов ким ўзи? 1978 йилда туғилган, Гулистон шаҳрида яшовчи бу жаноб ўзлари Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари жамияти деб атаётган ташкилотнинг Сирдарё бўлими раҳбари ҳисобланади. Жорий йилнинг 5 ноябрь куни соат 19 дан 35 дақиқа ўтганида Гулистон шаҳар ИИБ ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги бўлимига шаҳарнинг 3-мавзе, 16-уй, 2-хонадонида ёнғин чиққанлиги тўғрисида хабар тушади. Ўт ўчирувчилар гуруҳи зудлик билан ёнғин содир бўлган манзилга етиб боришади. Офат қисқа муддат ичида бартараф этилади. Ҳодиса тафсилотларини ўрганган Гулистон шаҳар ИИБ ҲЁХБ катта инспектори, катта лейтенант Ж. Ропиев хонадондаги кўрпа-тўшаклар тахлаб қўйилган жойдаги электр симларининг қисқа туташуви орқали ёнғин чиққанини аниқлайди. Ҳодиса жойидан куйган электр жиҳозлари қолдиқлари топилади. Шунингдек, ўт ўчирувчилар ва бошқа тегишли мутахассислар томонидан ҳодиса содир бўлган жой атрофлича ўрганиб чиқилади. Бахтсиз ҳодиса рўй берган пайтда уйда ҳеч ким бўлмагани, балконнинг деразa ва ойналари бутунлиги, кириш эшиги қулфланган ҳолатда эканлиги тўғрисида холислар иштирокида далолатнома тузилади.

Мазкур ҳодиса қаҳрамонимизнинг хонадонида юз берган эди. Бу жаноб инсоф, диёнатни унутмаган бўлганда офатни ўз вақтида даф қилганлардан миннатдор бўларди. Аксинча, у бундай қилмади. Аъзам Фармонов хизматга— туҳмат қабилида иш тутди. У маҳаллий матбуотга эмас, «Озодлик» ва бошқа электрон оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилади.

«Бу ёнғин атайлаб уюштирилган. Қилиши керак бўлган ишни қилишди-да. Сирдарёда бундай ишлар бўлмаган эди, аммо қачондир шундай бўлишини билар эдим»,—дея интервью берди (унинг сўзлари айнан келтирилмоқда). Интервью беришга хотини, ҳатто қайнотаси — Толиб Ёқубов ҳам жалб этилди (қарангки, у ҳам куёви жавлон ураётган оилавий бизнес ташкилотининг раҳбари).

«Кеча биз Тошкентга кетган эдик, келсак уйимиз ёнаётган экан. Катта меҳмонхонамиз ёниб кетган»,—дея интервью берди А. Фармоновнинг турмуш ўртоғи. Толиб Ёқубов ҳам ёнғин шак-шубҳасиз уюштирилганига ишончи комиллигини айтиб, сўзини шундай давом эттиради: «Олов балкон томондан отилгани учун балконга ҳеч нарса қилмаган, ичкарида битта хонача бор, унга ҳам ҳеч нарса қилмаган. Ўртада битта каттароқ хона бор, ана ўша хонадаги кўрпачалар ёнган, нимагадир иккита гилам ёнмаган. Лекин ўт ўчирувчиларнинг сувлари ҳамма ерни расво қилиб юборган».

Астағфуруллоҳ, бундай жавобни эшитгач, ёқа ушламасликнинг иложи йўқ. Сувсиз ёнғинни қандай ўчириб бўлади?! Ёки пуфлаб ўчириш керакмиди? Мабодо, бу жаноб ёнғин ўчиришнинг бошқа усулини билса, айтсин. Унинг таклифини ёнғин хавфсизлиги хизматида намунали тажриба сифатида қўллаб кўрардик. Одам дегани шунчалик ҳам ноинсоф бўладими? Хизмат бурчини аъло даражада бажариб, катта бир офатнинг олдини олган ходимларни дуо қилиш ўрнига, ҳаммаёқни расво қилибсизлар, деб улардан норози бўлса?! Ўт ўчирувчилар ўз вақтида етиб боришмаганидами, кўрардик «қаҳрамон»имиз қанақа «томошалар» кўрсатишини.

Шу ўринда ажабланарли бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Интервью берган хонадон соҳибаси ўз сўзида катта меҳмонхона ёниб кетганини айтса, Толиб Ёқубов эса фақатгина катта хонадаги кўрпачалар ёнганини таъкидлайди. Хўш, кимнинг гапига ишонайлик?!

«Энг қизиғи, саросимада ҳеч қаерга мурожаат қилмасак-да, маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўзлари келишди»,—дея ажабланади у. Таажжуб, бу билан ёнғинни ички ишлар ходимлари уюштирган, демоқчими?! Агар шундай бўлган тақдирда ички ишлар ходимлари ўзлари офатни даф этишармиди? «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» дейди халқимиз. Туҳмат қилиш ҳам эви билан-да, жаноб Аъзам Фармонов!

Бу воқеа ҳуқуқ-тартибот идоралари, чунончи ички ишлар тизими ходимлари ҳар қандай ҳодисага бефарқ эмаслиги, зудлик билан зарур чора-тадбирлар кўришини англатиб турибди. Содир бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабар тезкор йўллар билан олиниши барчага аён. Халқимиз: «Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса, холиқ билар», деб бежиз айтмаган. Ички ишлар ходимлари қилган яхшиликларини ҳеч қачон миннат қилишмайди. Қолаверса, бу уларнинг хизмат вазифаси, бурчидир. Уларнинг сидқидилдан қилган савоб ишини «қаҳрамон»имиз билмаса ҳам майли, худо билади-ку! «Кўр бўлсанг ҳам, кўрнамак бўлма» мақоли айнан Аъзам Фармонов каби нонкўр, яхшиликни билмайдиган кимсаларга нисбатан айтилган бўлса керак.

Хонадонида чиққан ёнғин Аъзам Фармонов ва унинг қайнотаси учун бир баҳона эди, холос. Аслида қандай бўлмасин Ўзбекистонни ёмонотлиққа чиқариш, бунинг учун турли хил «сценарий»лардан фойдаланишни ўз олдиларига мақсад қилиб олганликлари шундоқ кўриниб турибди. Ўзини «ҳуқуқ ҳимоячиси» санаб, кўкрагига ураётган фармоновлар ҳар қанча чиранмасин, турли хил «усул»ларни ўйлаб топмасин, юртимизнинг тинчлик-осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаётган ички ишлар ходимларининг шаънига доғ тушира олмайди. Уларнинг бўҳтону фиску фасод уйдирмалари ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга асло раҳна сололмайди. Ит ҳурар, карвон ўтар. Фақат ёмон гаплар дилларга оғир ботар.

**Э. АЗИЗОВ.**

*Кейинги пайтда матбуотда, телевидение ва радиода санъатшунос, драматург, актёр, томошабин ва бошқа ихлосмандлар ўртасида театр ҳақидаги баҳс ва мунозараларнинг гувоҳи бўляпмиз. Айримлар театр санъатининг инсон маънавиятини оширишдаги катта хизматини эътироф этган ҳолда, у ўз ўрнини телевидение, видеофильмларга бўшатиб бераяпти, деб таъкидламоқда. Буни театрнинг мавқеи пасайиб кетяпти деб тушуниш қийин эмас, албатта. Лекин санъатнинг тури кўпайгани билан ҳар бирининг ўз ўрни борлигини унутмаслик керак.*

# ТЕАТР — ЭЗГУЛИК САНЪАТИ

## У ИНСОНГА МАЪНАВИЙ МАДАД, РУҲИЙ ҚУВВАТ БАҒИШЛАЙДИ

Гапни тарихдан бошласак мақсадга мувофиқ бўлади. Театр санъатининг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги V-IV асрларга бориб тақалади. Бу даврда кўпчилик ўртасида турли томошалар намоён этила бошланган. Инсонлар ўртасида удумлар, маросимларнинг нишонлана бошланишини театрнинг илк белгилари деб айтиш мумкин. Тўй, тантаналарда одамлар турли кўринишларда ўртага чиқиб, томоша кўрсатишган. У шунчаки, эрмак учун эмас, бирор мақсадни кўзлаб уюштирилган, албатта. Худоларга сиғиниш, ундан бирор нарсани сўраш учун (масалан, ёмғир, сув, иссиқлик, олов ва бошқалар), махсус тайёргарлик кўрган ҳолда маҳорат билан уни ижро этишган. Ундан одамлар завқ олган, одоб, ахлоқ ўрганган, тарбияга катта таъсир кўрсатган. Шу давргача аждодларимиздан мерос қолган, авлоддан-авлодга ўтиб келган маросимларнинг ижро этилишида катта тарбия ётади. Масалан, Наврўз кунлари сумалак тайёрлашни олайлик. Деярли бир кеча-кундуз давомида пишириладиган бу таомни кавлаб туриш



давомида момоларимиз турли ривоятлар, эртаклар айтиб берганлар, ўйин-кулгу, айтишув, лапарлар орқали одоб-ахлоқли бўлиш, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш каби инсоний фазилатлар тараннум этилган.

Театр йиллар ўтиб, ривожланиб, халқнинг энг севимли санъатига айланди. У драма, сатира, комедия, опера, балет, оперетта, қўғирчоқ театрларига бўлинди. Инсон маънавиятини ошириш эса асосий вазифа бўлиб қолаверди.

Ўтган асрда Ўзбекистонда ҳам театр санъати анча ривож топди. Пойтахтдан ташқарида, вилоят марказларида драма театрлари ташкил этилди. Замонавий театр бинолари қурилиб, аҳолининг энг севимли масканига айланди.

Театрга одамлар спектаклни томоша қилиш, ундан баҳра олиш учун боради. Шунинг учун саҳнада қўйилган ҳар бир пьеса, драма, фожиа, комедия ва бошқалар ҳаётдан олинган бўлиб, кишиларга унинг ижобий, салбий жиҳатларини кўрсатиб бериши лозим. Рус ёзувчи, драматурги А. Чеховнинг таъбири билан айтганда, саҳна бошида кўрсатилган милтиқ охирида отилиши керак. Ана шунда асарнинг таъсирчанлиги ошади.

Республикамиздаги театрларда турли даврларда қўйилган, тарбиявий аҳамияти ҳамон сақланиб келаётган, томошабинларга ҳар гал маънавий озуқа берувчи, қайта-қайта кўришга лойиқ спектакллар кўп. «Имон», «Қотил», «Парвона», «Келинлар қўзғолони», «Олтин девор», «Темир хотин», «Ўлдинг, азиз бўлдинг» ва бошқа драма, сатира ва мусиқали драмалар шулар жумласидандир. Биринчидан, бу саҳна асарлари драматурглар томонидан пишиқ-пухта ёзилган, роллар эса актёрлар томонидан маҳорат билан ижро этилган.

«Имон» драмасида олим Комилов ўғлининг нопоклик қилгани учун кечирмайди. Мансаб, унвон, бойликни имонга алишмайди. Бундай воқеалар ҳозир ҳам учраб турибди. Шунинг учун ҳам инсоний фазилатларни топтамасликка чақирадиган бундай асарлар ҳеч қачон ўзининг долзарблигини йўқотмайди.

Ҳаётга енгил-елпи қараб, товламачи, фирибгарларга лаққа ишониб, чув тушиб қолаётганлар янгилик эмас. Жабрланганлар ички ишлар идораларига ғишт қолипдан кўчиб бўлгандан кейин келишади. «Парвона» спектаклини томоша қилсангиз, воқеа ўтган асрда эмас, куни-кеча бўлгандай туюлади. Чунки бундай воқеаларнинг ҳозир ҳам гувоҳи бўляпмиз.

Театрларда қўйиладиган спектакллар, у қайси жанрда бўлмасин, инсонларга маънавий мадад беради. Ўтмиш, тарихий шахслар ҳақидаги саҳна асарларини томоша қилганлар мозийнинг бир бўлагини кўриш билан аждодларимизнинг ҳаёти, даврнинг суронли воқеалари билан танишиб, халққа, Ватанга меҳри ортади. Шу кунларни тасвирловчи спектакллар эса инсонларни ҳаётга, теварак-атрофга чуқурроқ назар ташлашга ундайди. Унутилиб кетаётган удумлар, анъаналар, маросимларни тиклаш, ривожлантириш, замонага мослаштириш, давр нафасини бериш мақсади йўғрилган саҳна асарларини халқимиз доим эъзозлаган, қалбидан жой берган.

Руҳан соғлом инсондан фақат эзгуликлар кутиш мумкин. Мамлакатимиз ривожланиш, тараққиёт сари дадил бораётган ҳозирги даврда фуқароларимиз ҳам жисмонан, ҳам руҳан тетик бўлмоғи керак, албатта. Кишиларни жисмоний чиниқтиришдан кўра руҳий соғломлаштириш қийинроқ кечади. Бунинг учун маънавий озиқ берадиган манбаларнинг фаолиятини такомиллаштириш, яхшилаш зарур бўлади. Театр санъати ана шундай манбалардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда театр санъатига алоҳида эътибор бериляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу Фармон асосида қабул қилган «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори фикримизнинг далилидир.

Театр санъати кўп йиллар давомида халқ қалбидан жой олиб, инсонларнинг маънавиятини бойитиб келган ва шундай хизмат қиляпти. Бундан кейин ҳам ўз вазифасини удалаб бориши учун ҳаётнинг ҳақиқий манзарасини бўямасдан кўрсатиб бериши зарур. Томошабин ана шунда ундан руҳий мадад олади.

***Ички ишлар идораларида ўтказилаётган шаҳодатлар пайтида ходимларнинг билим ва малакаси атрофлича синаб кўрилаяпти. Эътиборли томони шундаки, комиссия аъзоларининг саволларига берилаётган жавоблар деярли бир-бирига ўхшаш. Аммо маънавият бўйича сўралганда қарашлар турлича эканлиги аён бўлмоқда. Бинобарин, ходимлардан бири маънавият шахсда умуминсоний қадриятларнинг қарор топиши деса, иккинчиси бу — ўзликни англашдир дейди. Бошқа бирови эса маънавият Ватан, халқ ва оилага бўлган муҳаббатда акс этади, деган фикрни айтмоқда.***

# ВИЖДОН ВА ИЙМОН ИШИ

Билдирилаётган мулоҳазалар эътиборли, албатта. Аммо уларнинг қай бирида кўрилаётган масаланинг асл мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган? Маънавият, юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, инсонга она сути, ота намунаси ва аждодлар ўгити билан бирга синггади. У бир кун, бир ой, бир йил эмас, асрлар давомида ҳар бир халқ тарихи қаъридан озиқ олиб, шаклланиб боради. Бир миллатнинг маънавияти бошқа миллатникига ўхшамайди. У инсондаги фалсафий, ҳуқуқий, илмий, ахлоқий, диний ва бошқа қарашлари орқали Ватани, оиласи, дўстларига муносабатида намоён бўлади. Кўриниб турибдики, бу тушунча ниҳоятда кенг қамровли, шу боис уни биргина сўз ёки ибора билан таърифлаш мумкин эмас.

Маънавиятдан бебаҳра одам сувсизликдан қуриб, қовжираб қолган дарахтга ўхшайди. Республикамиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва ҳурматини тиклаш каби эзгу ишлар устувор вазифа этиб белгиланди. Ўтган вақт ичида бу борада юртимизда анча амалий ишлар қилинди. Ўз даврида маънавият, маърифат ва динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Абу ал-Мотрудий, Фитрат, Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори каби алломаларимизнинг бой маънавий меросидан яна баҳраманд бўлаяпмиз. Соҳибқирон Темур, улуғ саркарда Жалолиддин Мангубердилар юртида ҳайкал ўрнатилди. Халқ орасидан етишиб чиққан алп ўғлонларимиз жасорати акс этган «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллиги тантана қилинди. Спитамен, Тўмарис, Широқ каби афсонавий қаҳрамонларимиз номи тез-тез тилга олинадиган бўлди. Юртимизда маънавиятни юксалтириш, улуғ аждодларимиз шаъни, қадр-қимматини тиклаш бўйича хайрли ишлар қилинаётган экан, бунинг қадрига етиб, ўз билимимиз, дунёқарашимизни бойитиб бораяпмизми? Пойтахтимиздаги энг гавжум «Сайилгоҳ» кўчасида бўлганимизда шу масала билан қизиқдик.

Одамлар оқимига қўшилиб, нима ҳақдадир баҳслашиб келаётган икки қизни тўхтатамиз. Улар «Темурийлар тарихи» музейи яқинида жойлашган Тиббиёт коллежида таҳсил олишар экан.

— Кечирасизлар қизлар, маънавият ҳақида бир-иккита савол бермоқчи эдик.

— Майли.

— Айтинглар-чи, имом ал-Бухорий ким бўлган?

— Олим.

— Маҳмуд аз-Замахшарий деган замондошимиз ҳақида бирор нарса биласизларми?

— Йўқ.

— Пойтахтда қандай тарихий обидалар бор?

— Амир Темур музейи...

— Пойтахтимизда қандай тарихий обидалар бор?

— Навоий кўчасига Навоий ҳайкали ўрнатилган...

Ўрта ёшлардаги киши ҳайдовчи эканлигини айтди.

— Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида нималарни биласиз?

— Нақшбандия тариқати асосчиси, деб ўқиганим ёдимда.

Навбатдаги суҳбатдошимиз Тошкент иқтисодиёт университети талабаси эканлиги маълум бўлди.

— Соҳибқирон Амир Темур қаерда таваллуд топган? — сўраймиз ундан.

— Шаҳрисабзда бўлса керак.

— Бухорои шариф деганда нимани тушунасиз?

— Ўзимизнинг Бухоро шаҳрини-да.

— Улуғ алломаларимизни номма-ном айтиб бера оласизми?

— Йўқ...

Рўпарамиздан чиқиб қолган ички ишлар ходимини тўхтатиб, саволга тутдик.

— «Алпомиш» достони яратилганига қанча вақт бўлди?

— Ёдимда йўқ.

— Абдулла Авлоний ким бўлган?

— Аниқ билмайману, Ўзбекистонга хизмат қилган шахс бўлса керак...

Ана шу қисқагина «сайр»нинг ўзидан маънавиятимиз, ўтмишда ўтган буюк алломаларимиз, уларнинг бой маданий меросини ўрганиш қай аҳволда эканлигини билиб олиш қийин эмас. Тўғри, ҳозир ахборот коммуникациялари, интернет тармоғи ривожланиб, турли хил маълумотлар ғуж-ғон ўйнаган пайт. Баъзан, уларнинг қай биридан баҳраманд бўлишни ҳам билмай қоласан, киши. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам мусулмон оламини лол қолдирган муҳаддис имом ал-Бухорий, Ислом маърифатчилигининг дунёга танилган вакиллари, Қуръони каримнинг энг мўътабар тафсирларидан «Ал Кашшоф»нинг муаллифи Маҳмуд аз-Замахшарий, тасаввуф тариқати асосчилари Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний ва бошқа юзлаб алломаларимиз ҳақида муайян маълумотга эга бўлмаслик кечирилмас ҳолдир. Бутун дунё аҳли Ўзбекистонни маънавият ўчоғи деб, бежиз эъзозлаётгани йўқ. Айтишларича, имом ал-Бухорий маъруза қилганда бир ярим-икки мингга яқин одам тўпланар экан. Улар қизиқарли суҳбатлардан соатлаб, ҳатто кун давомида баҳраманд бўлишса ҳам зерикмаганлар. XX аср бошларидаги маърифатчилик ҳаракати намояндаларини эслайлик. Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Тавалло каби зиёлилар бойлик ёки шон-шуҳрат учун майдонга чиқмадилар. Улар истибдодга қарши бориб, ёнларидан мактаб очишди, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга даъват этишди.

Бизнинг авлод эса маънавиятни юксалтириш, шу орқали давлатимиз куч-қудратини оширишни виждон ва иймон иши деб қараши учун олдиларида ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Фақат ушбу мақсад йўлида ҳар биримиздан қунт, эътибор, сабр-тоқат, энг муҳими, шижоат талаб этилади, холос.

**Саъдулла ШОДИЕВ.**

